



Валюта операция ва интервенциялари стратегияси

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИ | ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2026-2030-йилларга мўлжалланган ички валюта бозоридаги валюта операция ва интервенциялари

СТРАТЕГИЯСИ

I боб. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг (кейинги ўринларда – Марказий банк) ички валюта бозоридаги валюта операция ва интервенциялари стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу Стратегия Марказий банкнинг валюта операция ва интервенцияларини амалга ошириш мақсадлари, тамойиллари ҳамда улар бўйича коммуникация қилишнинг асосий ёндашувларини белгилайди.

Стратегия Марказий банкнинг ички валюта бозоридаги иштирокининг бир томони миллий валюта – сўмда амалга ошириладиган операция ва интервенцияларига нисбатан қўлланилади.

1. Мазкур Стратегияда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

валюта операциялари – Марказий банкнинг ички валюта бозоридаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган қимматбаҳо металлларни халқаро бозорларда сотишдан тушган чет эл валютасидаги маблағларни сотиш ва Марказий банк мижозларига чет эл валютаси хариди ва сотуви бўйича хизмат кўрсатиш билан боғлиқ операциялари;

валюта интервенциялари – Марказий банкнинг ички валюта бозорини тартибли ва узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш, миллий валюта алмашув курсининг кескин тебранишларини юмшатиш ҳамда халқаро захиралар ликвид миқдорининг мақбул даражасини таъминлаш мақсадида амалга оширадиган операциялари;

мижозлар – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Марказий банк тасарруфидаги ташкилотлар ва бошқа муассасалар;

қимматбаҳо металллар – маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган олтин, кумуш ва бошқа металллар;

биржадан ташқари валюта бозори – Марказий банкнинг мижозлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали операцияларни амалга оширадиган валюта бозори;

ҳалқаро захиралар ликвид миқдорининг мақбул даражаси – мамлакатнинг ташқи қарзга хизмат кўрсатиш қобилиятини сақлаш, импортни молиялаштириш ва кутилмаган ташқи иқтисодий шокларга бардошлиликни таъминлаш учун етарли деб ҳисобланган, Марказий банкнинг ҳалқаро захиралари ликвид миқдори.

2. Мазкур Стратегия Марказий банкнинг нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадига мувофиқ, инфляцион таргетлаш режими тамойиллари асосида валюта операция ва интервенцияларининг мақсадлари, тамойиллари ва амалга ошириш қоидаларини белгилайди ҳамда ички валюта бозорини ривожлантириш ва сузувчи валюта алмашув курси режимини таъминлашга хизмат қилади.

3. Стратегия қуйидаги омилларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади:

а) Марказий банкнинг нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича вазифалари;

б) Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати операциялари;

в) Марказий банкнинг ҳалқаро захираларни бошқариш бўйича инвестиция сиёсати;

г) умумий макроиқтисодий жараёнлар, шу жумладан, фискал шарт-шароитлар ва капитал ҳаракатини тартибга солиш чора-тадбирлари.

II боб. Стратегиянинг асосий мақсад ва тамойиллари

4. Марказий банкнинг валюта операция ва интервенцияларини амалга ошириши бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечта мақсадларни бажаришга қаратилиши мумкин. Ушбу мақсадлар ўртасида зиддиятлар юзага келган тақдирда, Марказий банк бошқаруви ҳар бир ҳолатда устуворликлар тўғрисида қарор қабул қилади.

5. Марказий банк ички валюта бозорида қуйидаги мақсадларда фаолият юритади:

а) валюта операцияларини амалга ошириш;

б) Марказий банкнинг ҳалқаро захираларни бошқариш бўйича инвестиция сиёсатига асосан ҳалқаро захиралар ликвид миқдорининг мақбул даражасини таъминлаш;

в) ички валюта бозорининг тартибли ва узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш, шу жумладан, йирик ва/ёки кутилмаган чет эл валютаси талаб ва таклиф омиллари таъсирини юмшатиш;

г) алмашув курсининг кескин тебранишларини юмшатиш.

6. Марказий банкнинг валюта операция ва интервенциялари бўйича қарорлари қуйидаги тамойиллар асосида қабул қилинади:

а) нархлар барқарорлигини инфляцион таргетлаш режими доирасида, сузувчи валюта алмашув курси шароитида таъминланиши;

б) валюта операциялари макроиқтисодий шароитлар ва Марказий банкнинг инфляция бўйича мақсадли кўрсаткичларига мувофиқ валюта алмашув курсининг узоқ муддатли фундаментал трендини ўзгартиришга қаратилмаслиги;

в) валюта курси ёки унинг ўзгариши Марказий банк пул-кредит сиёсатининг мақсадли кўрсаткичи сифатида белгиланмаслиги;

г) валюта операция ва интервенциялари инфляцион таргетлаш режимининг самарали фаолиятига ҳамда асосий ставканинг пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмидаги ролига путур етказмаслиги;

д) валюта операция ва интервенциялари ички валюта бозорининг тартибли ривожланиши ва бозор механизмларига салбий таъсир кўрсатмаслиги;

е) валюта операция ва интервенциялари иқтисодиётдаги валюта хатарлари ва номутаносибликларнинг тизимли равишда тўпланишига олиб келмаслиги;

ж) 5.а бандда белгиланган мақсад бўйича амалга ошириладиган валюта операцияларининг даврийлиги фақат мижозларнинг эҳтиёжлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган қимматбаҳо металлларнинг халқаро бозорларда сотилиши ва ички валюта бозоридаги чет эл валютасига бўлган талабнинг мавсумийлиги билан боғлиқ бўлиши;

з) юқоридаги бандларга зид бўлмаган ҳолда валюта операциялари ва интервенцияларининг даврийлиги ички валюта бозорининг ривожланиши ва иқтисодиётнинг таркибий хусусиятлари (долларлашув даражаси, валюта курси ўзгаришининг инфляцияга таъсири, капитал ҳаракати ҳолати ҳамда молия бозорининг ривожланиш босқичи)га мослашиб бориши;

и) валюта операциялари ва интервенциялари ҳажми ва даврийлигини молия бозорининг ривожланиши, долларлашув даражасининг пасайиши, капитал ҳаракатининг либераллашуви, алмашув курси ўзгаришининг инфляцияга таъсирининг камайиши ҳамда халқаро захиралар ликвид миқдорининг мақбул даражасини таъминланиши шароитларида қисқартириб борилиши.

III боб. Валюта операция ва интервенцияларининг ўзига хос хусусиятлари

7. Марказий банк валюта операцияларини валюта алмашув курси йўналишига таъсир кўрсатмаган ҳолда, маълум даврийликда олдиндан эълон қилинадиган муддатларга мувофиқ амалга оширади.

8. Халқаро захиралар ликвид миқдорини мақбул даражасини сақлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган валюта интервенциялари Марказий банк бошқаруви томонидан белгиланган даврийликда амалга оширилади.

9. Халқаро захиралар ликвид миқдорининг мақбул даражаси Марказий банк бошқаруви қарори билан Марказий банкнинг халқаро захираларни бошқариш бўйича ички ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

10. Миллий валюта алмашув курсининг кескин тебранишларини юмшатиш мақсадида ўтказиладиган валюта интервенциялари бозор тамойиллари асосида шаклланадиган валюта алмашув курси йўналишига таъсир қилмайдиган ҳолда амалга оширилади.

IV боб. Валюта операция ва интервенцияларини амалга ошириш механизми

11. Валюта операция ва интервенциялари бўйича қарор қабул қилиш ва ҳисобдорлик жараёнлари Марказий банк бошқаруви томонидан белгиланган ички ҳужжатга асосан белгиланади.

12. Марказий банк валюта операция ва интервенциялари мақсадлари бўйича қарор қабул қилиш жараёнида сифат ва миқдор кўрсаткичлари таҳлилидан фойдаланади.

Мазкур сифат ва миқдор кўрсаткичлари Марказий банк бошқаруви томонидан белгиланган ички ҳужжатда қайд этилади ва даврий равишда қайта кўриб чиқиши мумкин.

13. Ички валюта бозоридаги валюта операциялари валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта бозорларида амалга оширилиши мумкин.

14. Марказий банк томонидан ички валюта бозоридаги валюта интервенциялари фақат валюта биржасида амалга оширилади.

V боб. Валюта операция ва интервенциялари бўйича коммуникацион сиёсат

15. Марказий банк томонидан амалга ошириладиган валюта операция ва интервенциялари ҳамда уларга оид таҳлилий маълумотлар Марказий банк коммуникацион сиёсатига мувофиқ оммавий баёнотларда, пресс-релизларда, даврий нашрларда эълон қилиб борилади.